

Ушбу сонда:

Газетага арзим бор...

БИР МАҲАЛЛА
МУАММОЛАРИ

2
БЕТ

ТЕХНИКУМ ёки
КОЛЛЕЖга
ўқишга кирмоқчимисиз,
унда...

3
БЕТ



“ҚАЛБДА МУШТДЕК
ЧЎГИМ БОР...”

Филология фанлари доктори,
профессор, Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси ҳамда “МА’РИФАТ”
тарғиботчилар жамияти аъзоси –
олим ва шоир
Сиддиқ МЎМИН билан суҳбат



Шарқнинг
жавоҳир
аёли

4
БЕТ



Фарғона ҳақиқати

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ БОШ НАШРИ

Неъматнинг
кадри у
йўқолгандагина
билинади.
Абу Райхон БЕРУНИЙ.



Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

@ farhaqiqat.uz

@farhaqiqati

2020 йил 9 сентябрь, чоршанба № 69 (24458)

Мукофотланганлар
Ҳақида ҳикоялар

Алп қўллар

ҚУДРАТИ

Механизатор
Абдуллажон
Кенжабоев

Аслан буюклик ва улғуворлик тимсоли бўлган она замин тулпорсевар кишиларга камтарлик, хокисорликдан дарс беради. Не ажаби, саховатли далаларда ризқ ундираётган захматкаш деҳқонга елкадош бўлаётган асл қахрамонлар ана ўша хокисорлик, соддалик билан-да юксалавердилар. Олтиариқлик механизатор Абдуллажон ота Кенжабоев тимсолида аини шу ҳақиқат ифодаси бор.

Кишлоқ хўжалигининг сирасорлари борки, деҳқоннинг юраги, сувчининг ақли, агрономнинг билими бўлмаган ҳар қандай одам ҳам механизаторликни уйда қилолмайди. Зотан, техника деҳқоннинг қаноти, усиз на ғалла, на пахтанинг ривож бўлади. Абдуллажон ота эса бу ишнинг илмини олганлардан, уни таниган-билганлар “темирнинг юрак уришини ҳам илғайдиган одам”, дея эътироф этишади. Акс ҳолда отахон салкам олтимши йил “дала тулпорлари”ни жиловлаб, алп қўллар қудратини кўрсата олармики?

Ўзбекистон Қахрамони Лолахон Муротова билан Абдуллажон Кенжабоевни ҳам айнан оддийлик, меҳнатсеварлик, она заминга муҳаббат деган муштарак туйғулар боғлаб туради. Мохир механизаторнинг узоқ вақтлардан буён тумандаги “Нури обод” фермер хўжалигида Қахрамон фермер билан бирга ишлаб, унга мададкор бўлиб келаётганининг сабаби ҳам шу аслида.

— Бир пайтлар тумандаги «Нуробод» жамоа хўжалигида ер

хайдашнинг ўзи бўлмасди, — дейди механизатор бир қўли билан терим комбайни тутқиқларини маҳкам ушлаган кўйи. — Отам ҳам, онам ҳам жамоа хўжалиги ишчиси эди, мени ҳам мана шу далалар улғайтирди, оиламни, фарзандларимни боқди. Ун саккиз ёшимдан бери темир улов бошқараман. «Кейс»дан тортиб, ОБХҒача — ўнлаб турдаги кишлоқ хўжалиги машиналарини бошқардим.

Ҳа, офтоб ўт қалаган далалар, шамол-ёмғир савалаган эгатларда қахрамонимизнинг иродаси тобланди. Эскидан қолган тракторини зўр-базўр йўрғалатиб, юз-қўли қора мойга ботган, меҳнатига яраша раҳмат эшитмаган кадрсиз кунларни ҳам яшаб ўтди. Энди ҳаммаси бошқача. У бугун фермер хўжалигининг оддий ишчиси эмас. У хўжаликнинг оёқ-қўли, фермернинг қаноти — механизатор! “Нури обод”нинг 488,4 гектарлик экин майдонида меҳнат қилаётган 200 нафардан зиёд ишчиларнинг илғори. Абдулла ота ўтган йиллар давомида хўжаликнинг шартнома мажбуриятларини 120-160 фоизгача бажаришида ўз хиссаси борлигини билса-да, кўкрак кермайди, аксинча, ҳалол

меҳнат, чинакам пешона тери мазасини тотиб, хузурланади.


— 57 йилдики, ер билан тиллашаман. Унинг хизматиға ҳамон шайман. Менинг меҳнатларим ҳосилини берган, элга кўрсатган ҳам мана шу далалар. Мен бошқараётган темир уловлар ҳали узоқ йиллар “Нури обод” далаларини янада обод қилади, — дейди у.

75 ёшли механизаторнинг бу сўзлари ўз тақдирдан рози инсоннинг шукронаси ҳамдир.

Президентимиз Фармонига кўра, давлатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида Абдуллажон Кенжабоевнинг “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан мукофотланиши вилоятимиз кишлоқ хўжалиги меҳнатқашларининг ютуғи сифатида эътироф этилади.

Айтганча, Олтиариққа йўлингиз тушса, Қахрамоннинг даласига кириб ўтинг. Абдуллажон отанинг алп қўлларини тутинг. Шунда саховатпеша далалар ҳиммати, юртга ризқ ундираётган меҳнатсевар одамларнинг юрак ҳароратини ҳис этгандай бўласиз.

Дилназов
қўлдошева.



Кун
жараёни



ҚУВАСОЙ АДИРЛАРИДА БОҒЛАР ЯРАТИЛАДИ



Қува ва Қувасойни қақраб ётган қир-адирлар ажратиб туради. Илгарилари бу ерда деҳқончилик қиламиз деб уриниб кўрганлар. Аммо сув таъминотидаги муаммолар туфайли орзулар амалга ошмаган.

Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Ғаниев ана шу кўёш тигидан куйган адирларга бориб, у ерда бошланган ишлар билан танишди. — Салкам 2000 гектар майдонда мевали дарахтлар, кам сув, масалан, мош, ловия каби экинлар екамиз, — дейди вилоят

ҳокими. — Дастлаб бу ерга сув чиқарамиз, сўнг 5-10 сотихдан ёшлар, ёш оилаларга бўлиб берамиз.

Ҳозир вилоят электр тармоқлари идораси му-тахассислари бетондан устунлар ўрнатишяпти. Экскаваторлар эса бўлажак ариқ ўринларини лойиҳада белгиланган жойларда қазимоқда.



— Мен асли тракторчи-ман. Фермер хўжалигида ишлайман. Бу ерлар ўзлаштирилаётганини, вилоят ҳокими ўзи иш бошида экани ва мен каби ёш оилаларга томорқа-ер берилишини эшитиб келдим, — дейди



— Қувасойда раҳбар бўлиб ишлаган Маматқул Раҳматов, Шухрат Аҳмедов каби етакчилар ҳам бу жойларни ўзлаштирмоқчи бўлганлар, лекин техника, маблағ ва рағбат бўлмаган, — дейди Қувасой шаҳар ҳокими Равшан Раҳимжонов. — Бугун эса буларнинг барчаси бор ва энг муҳими, қалбимиз эзгу ниятга йўғрилган.

Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати.
Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.

Вилоят ҳоқимлигида

ҚАРОР ИЖРОСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Вилоят ҳоқимлигида Сўх тумани фаоллари билан бўлиб ўтган онлайн видеомуроқотда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 8 августда қабул қилинган “2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди. Вилоят студиясида секторлар ҳамда тегишли ташкилот, бошқармалар раҳбарлари, депутатлар иштирок этди.

Игилишни вилоят ҳоқими Шухрат Ғаниев очиб, Сўх туманини ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини ахшиллаш борасидаги ишларга тўхталиб ўтди.

Видеомуроқотда Сўх тумани ҳоқими Сайидбахром Сайидмусаев амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берди.

Дарҳақиқат, чегарадош ҳудудда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар Президентимизнинг топишириғи асосида босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Ичимлик суви, электр таъминоти ахшилланыпти, кўчаларга асфальт ва бетон

қопламалар ётқишиш ишлари давом этмоқда. Қарор билан тасдиқланган 2020-2021 йилларда Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирларининг манзилли дастурига 146 та лойиҳа киритилган бўлиб, 639 миллиард сўм маблағ сарф этилади. Ундан тижорат банклари кредитлари 123,5 миллиард сўмни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 5,2 миллион долларни ташкил қилади.

Айни кунларда Қайроқ массивидаги 1 448 гектар яйлов майдонларини ўзлаштириш учун уч кўтармали “Қайроқ” насос станциясини қуриш ишлари қизғин давом этмоқда. 50 гектар ўзлаштирилаётган майдонда эса бодомзор, пис-

тазор ва ёнғоқзор ташкил этиш ишлари бошланди. Бу ерда тадбиркорликни ривожлантириш ҳам муҳим вазифалардан саналади. Ҳозирга қадар тадбиркорларнинг 140 та лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратилди. Туманда бугунги кунда 14 мингдан ортиқ мол-мулк ва ер солиғи тўловчилар бор. Солиқ имтиёзининг татбиқ қилиниши натижасида жорий йилда 2 миллиард 300 миллион сўмлик маблағлар туман аҳолиси ихтиёрига қолдирилмоқда. Шунингдек, 400 дан ортиқ кичик бизнес субъектлари ҳам ана шундай имкониятлардан фойдаланади. “Чашма” бўлоғи сувини қадоклаб, ишлаб чиқарадиган тармоқ иш бошлади. Форель балиғини етиштириш йўлга қўйилди. Тиббиёт муассасаларида ишлаётган шифокорларнинг маошларига шу йилнинг ўзида 550 миллион сўм қўшимча устамалар тўлаб берилди. Туманда самолёт ва вертолётлар учун учиш-қўниш майдончаси тайёр ҳолатга келтирилмоқда. Жорий йилда 96 км йўл ва 20 км пиёдалар

йўлакларини қуриш режалаштирилган бўлиб, йўлсозлар томонидан бу борада ишлар ўз мuddатида сифатли бажарил-япти.

“Сарибозорча” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 25-сон мактабга қўшимча 240 ўринли янги бино қуриш бошланди. Шунингдек, ҳозирга қадар туманда 1 та давлат, 2 та давлат-хусусий шерикчилик асосида, 10 та нодавлат мактаб-гача таълим ташкилотлари ишга туширилди. Туманда мактабгача таълим тизимиға жорий йил яқунларига кўра болаларни қамраб олиш кўрсаткичини 37,4 фоиздан 53 фоизга етказиш учун барча тадбирлар белгиланган.



Видеомуроқотда давлатимиз раҳбари қарорини ўз вақтида ва сифатли ижро этиш, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш борасидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг шахсан масъуллиги қайд этиб ўтилди.

М. СУЛЙМОНОВ.

Ҳаёт мазмуни

Ярим асрнинг зангори лавҳалари

Агар оилани да- рахтга қибласас, унинг бақувват та- наси, шохлари, яшил япроқлари албат- та мўътадил ҳаво, етарлича оби ҳаёт, унумли тупроқдан қувват олган. Оила- нинг умр бўйи гури- раб ўсаётган дарахт янглиғ яшовчанлиги- ни таъминлаш учун ҳам меҳр-садоқат, сабр-қаноат керак. Роппа-роса ярим аср ана шу фазилат билан ҳаётнинг ачиқ тажри- баларини ортмоқлаб, кексаликнинг сокин хиббониди кезиш- нинг ўзи асли фароғат одамдод учун.



Бир қарашда серташ- виш, бироз қизиққон кўринадиган фахрий судья Карим Толи- пов билан суҳбатдош бўлганимга чорак асрдан зиёд вақт ўтди. Бугун у оғир- вазин, самимий-меҳрибон нурунийга айланган. Тур- муш ўртоғи Замирахон ая ҳам юзидан табассум аримайди, ширинсўз онахон билан кекса- лик наштаини сурароқ, фарзан- дар, набиралар, чеваралар қувонч ва ташвишларини ҳам юраклариди кўтариб юришиб- ди. Бир-бирига бақанти бу ну- ронийларга кузата туриб беих- тиёр фазлу сурурга тўлгандек бўлади, одам. Зотан, барчага шундай қарилки насиб этсин. Карим ака Бухорои шариф- нинг Абдуҳалиқ Гиждувонийдек валий зот таваллуд толган Гиждувон туманидан. Ўн ёшида ота-онадан етим қолиб тирик- лик дунёсининг машаққатли меҳнатига кўникишга мажбур бўлди. 16 ёшида Навоий ви- лоятининг Кармана тракторчи- лар курсида ўқиб, ер ҳайдашни ўрганди. Зарафшон дарёси бўйлариди тўнани устига таш- лаб тунаб қолган ўспирин бир кун келиб адолат тарозибони бўлиб етишишни ким ўйлабди дейсиз.

Қаттиқ чарчаган эканман, трак- тор тутта тиралиб қолибди. Бир пайт кўзимни очсам, тепамда раис бува турибди. Тур, болам бугун ерни ҳайда бермасанг, эртага чигит экиш вақти ўтиб кетди қолади, деди. Ушанда кечаси билан ерни ҳайдаб чиқдим. Эртасига раис бува менга бир кило оққанд совға қилди. Билмадим, ана шу маж- бурият хисси мени илм томон етаклаган бўлса керак, 1963 йилда Тошкент давлат уни- верситетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кириб, тахсил олдим. Тахсил даврида ҳам дарсдан кейин ишладим. Ахир мени ғамимни ейдиган ота-онам йўқ эди-да... Ҳа, ҳаёт шундай. Кимнидир севинтириб кўларга кўтарди, кимнидир маҳзунлик дарёсига отади. Бу икки қисматдан бахту омадини яратиш инсоннинг эзгу-ниятига, собит иродасига боғлиқ. Бўлажак ҳуқуқшунос на- зарий билимларни яхши ўзлаштиргани боис Санкт- Петербург университетиди илмий анжуманларда маъруза ўқиш шарафига муяссар бўлди. Тахсилни тамомлаб, марказқўм топшириғи билан Фарғона политехника институтига ўқитувчи қилиб юборилди. Ушанда ёш тадқиқотчи тала- баулар орасидан энг зийрак ва зукко қиз Замирахонни муно-

сиб дўст, рафиқа сифатида танлаб, у билан турмуш қурди. Илк бор вилоят судининг судьяси этиб тайинланганда тажрибали ҳуқуқшунос Музаф- фар Маҳмудовга шогирд бўлди. Амалийётдан кўра назарийни пухта эгаллаган судья иш бош- лашдан аввал парда ортида бир нечта суд жараёнларини кузатди. Устозининг билими ва иш тажрибаси уни ҳамиша лол қолдирарди. Устоз судья бирор марта судланувчини "сен" лаб мурожаат қилмаган, инсоний- лик юзасидан унинг ҳурматини жойига қўярди. Ишда ҳамиша тартиб, интизом, ҳалоллик принциплари амал қиларди. Бу омиллар судьяда касбига садоқатни шакллантирди. Тўрт йил ўзбекистон Респуб- ликаси Олий Суди судьяси, тўққиз йил Фарғона вилоят адлия бошқармаси бошлиғи, вилоят суди судьяси, Фарғона шаҳар суди раиси лавозимла- рида фаолият олиб борганида ҳам Музаффар Маҳмудовнинг ўғитларини ёдидан чиқармади. У ҳамиша билиб кўй, судья гапирмайди, эшитилади, дер эди. Дарҳақиқат, 34 йил мобайнида судьялик фаолиятида шу ўғитга амал қилиб келди.

Карим аканинг ғоят мураккаб меҳнат фаолияти оиладаги тотувлик сабабини жуда ша- рафли кечди. Замирахон опа ўз таъбири билан айтганда, эллик йил мобайнида соҳибига ёқмайдиган ишни қилмади. Ҳамиша унинг кўнглига қараб иш тулди. Фарзандларига ҳалолликдан, тўғрисулликдан сабоқ берди. Тўрт фарзандни эл юкига елка тутадиган инсон- лар қилиб тарбиялади. Бугун бу икки жуфтликнинг кўз қувончлари — набирала- ри ҳам камолотга етишдилар. Бобо ва буви набираларининг талаба бўлган кунлари, ке- линлик либосидаги ҳаҳзалари, оталик ёки оналик шодийналарига гувоҳ бўлиб яшаётдилар. Ҳар тонг фахрий судья шаҳар кўчаларида 2-3 километргача пиёда юради. Ҳоҳида шаҳарни вилосипеда сайр қилади. Нафақада бўлишига қарамай, ўзбекистон Республикаси суд тизими фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоат- чилик маркази вилоят бўлими раҳбари вазифасини аъло даражада бажариб келяпти. Умнинг зангори лавҳаларини бир бор кўргингиз келса, ярим аср турмушининг ачиқ-чўчук кунларини сабр билан энгиб садоқат маёғини охиста кўтариб олган бораётган нуруний отахон ва онахонлар зиёратига боринг. Ушанда яшаш завқини янада теранроқ туясиз.

Маъмура АБДУРАҲИМОВА. Шерзоқ ҚОРАБОЕВ олган сурат.

СЎХ: истиқболли лойиҳалар

Туманда sanoat, хизмат- лар ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича 95 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бунинг ҳисобига 5 мингта янги иш ўринлари яратилади.

20 сотихдан ер ажратилди

Қўшқилар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда миришкор. Тоғ шароити, баъзи ҳудудларда сув танқислиги сезилса-да, ер билан тиллашнинг ҳаддини олган улар. Сархил, табиий тоза, харидоригр мева-сабзавотлар ва полиз маҳсулотлари ўзларидан ортиб, ички ва ташқи бозорни тўлдирмоқда.

Туманда қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган майдон- лар мавжуд бўлиб, истиқболли лойиҳалар доирасида бундай ерларни ўзлаштириш ҳисобига ҳам кўплаб оилалар даромад манбаига эга бўлади. Малбүд қишлоғи ҳудудидаги шундай тоифага кирувчи ерларга сўғориш воситасини ўрнатиш, томчилаб сўғоришни йўлга қўйиш, интенсив боғлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш кўзда

тутилган. Асосий мақсад — маҳаллий аҳоли бандлигини таъ- минлаш, уларни камбағалликдан чиқаришдан иборатдир. Амалий саяё-ҳаракатлар самараси ўларок, ҳозиргача ўзлаштирилган ерлар 71 на- фар ишсиз ва эҳтиёмманд фуқароларга дала томорқаси учун 20 сотихдан ажратиб берил- ди.

М. МҲМИНОВ.

Қасаба уюшма ташкилотларида

Мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди

Фарғона вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси- да "Ўзбекистонда Ратификация қилинган Халқаро меҳнат таш- килотининг асос солувчи конвенциялари ва уларни амалиётда тутган ўрни" мавзусида онлайн конференция ўтказилди.

Унда инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ҳамда унга барҳам бериш бўйича сўз борди. Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда Халқаро меҳнат таш- килоти билан фаол ҳамкорлик натижасида ушбу ташкилотнинг 17 та, жумладан, 8 та асосий Кон-

венцияси ҳамда 1 та протоколи Ўзбекистон Республикаси томи- ндан ратификация қилинган. Бу эса, ўз навбатида, болалар меҳнатига тўлиқ барҳам бериш, шунингдек, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва бунга йўл қўймайлик учун етарли норматив- ҳуқуқий базани шакллантириш имконини бериди.

Вилоят қасаба уюшма таш- килотлари бирлашмаси Кенга- ши раиси ўринбосари Орзигул Қозихонова кун тартибидидаги ма- саланинг аҳамияти, қонунчиликда кўзда тутилган тартиб-қоидалар ҳусусида атрофлича тўхталиб, ишга қабул қилиш учун энг кичик еш тўғрисида, мажбурий меҳнатга йўл қўймайлик борасида тушунчалар бериб ўтди. "Қасаба уюшмаларига бир- лаштирилган оқиб бориш ҳуқуқи тўғрисида", "Меҳнат ва машғулотлар соҳасида қамси- тишга йўл қўймайлик тўғрисида" ҳамда мажбурий меҳнатнинг олдини олиш борасида Фарғона вилоятида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотлар берилди. Халқаро меҳнат таш- килоти билан ҳамкорликда олиб борилаётган ҳиларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шоҳсанам ЭШМАТОВА.

83,6 миллион долларлик иккита лойиҳа амалга ошмоқда

Вилоятимизда электр энергия тақчиллигини бартараф этиш ҳамда аҳолини иссиқлик қуввати билан таъ- минлаш борасида йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Давлати- миз раҳбарининг 2017 йил 21 февралда қабул қилинган "Фарғона ИЭМ ва Фарғона РК-3 қозонхонасида юқори самарали когенерация газ турбинали техно- логияларини жорий этиш" лойиҳасини амалга ошириш чора- тадбирлари тўғрисида" ги қарорига кўра, умумий қиймати 83,6 милли- он доллар инвестиция йўналтириляпти.

"Фарғона иссиқлик электр маркази" ак- циядорлик жамияти истиқболли корхона- лардан биридир. Корхона Фарғона нефть- ний қайта ишлаш заводи, "Фарғонаазот", "Фарғона ёғ-мой" акциядорлик жамия- тлари, шунингдек, куз-қиш мавсумида Қирғули мавзеси турар жой ва комму- нал хўжаликларини иссиқ сув, иссиқлик энергияси билан таъминлаб беради. Вилоят марказида электр энергия ва иссиқлик энергияси таъминотида муам- молар бор эди. Айни кунларда бу ўзининг ечимини топмоқда.

Ижтимоий соҳа объектларини улзуксиз иссиқлик энергияси билан таъминлаш имконияти яратилди. Пудратчи ташкилотлар ва жамиятнинг қурилиш ишларига жалб этилган ишчи- ходимларининг саяё-ҳаракатлари билан бугунги кунда 17 МВт газ турбина қурилмасида монтаж ишлари жадал сурь- атада давом эттирилмоқда ҳамда мазкур объект шу йилнинг декабрь ойида фой- даланишга топширилиши режалаштирил- ган. Лойиҳага асосан Япония давлатидан қурилмининг барча асосий усқуналари (газ турбина, юқори босимли қозон агре- гати ва ёрдамчи усқуналар) олиб келиб ўрнатилди. Мазкур қурилма ишга тушири- лиш натижасида 125 та янги ишчи ўрни яратилади. Қирғули мавзеси аҳолиси, иж- тимойий соҳа объектлари ва йирик саноат корхоналари бўйича иссиқлик энергияси билан таъминланади.

М. СУЛАЙМОНОВ.

Газетага арзим бор...

БИР МАҲАЛЛА МУАММОЛАРИ



ЙИҒИН БИНОСИ ТАЪМИРТАЛАБ, АҲОЛИГА СУВ ЕТМАЙДИ, ТИББИЙ ХИЗМАТДАН КЎНГИЛ ТЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон туманидаги "Дашт чўлпон" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 6 минг нафардан ортиқ аҳоли кундалик ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган масалалар ечимини излаб турли идораларга бош суқмоқда, сектор раҳбарлари, депутатлардан ёрдам сўрамоқда. Аммо масалага ижобий ечим топилмаяпти. НИМА УЧУН? Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқ врачлик пунктининг ташландиқ бино- си олдидами. Тиббиёт маскани бугун қаровсиз қолган. Прези- дентимизнинг 2017 йил 29 мар- тдаги "Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдам муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорига мувофиқ "Шодлик" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 75-оилавий поликлиникага бирлаш- тирилди. Асосий мақсад аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш, сифатини яхшилаш эди. Аммо оилавий поликлиника хизматидан аҳоли қониқмаяпти. "Шодлик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 75-қишлоқ оила- вий поликлиникасига бориш учун айрим ҳудудлардаги оралик масофа 5-6 километрдан ортиқ. Тез ёрдам машинаси эса йўқ. — Маҳалламизда ёши улғу, ногирон фуқароларимиз бор, — дейди маҳалла фаоли Дилшод- бек Каримов. — Тиббий хизматга зарурият туғилиб қолса, такси ёки шахсий машинасимдан фой- даланамиз. Устига-устак қишлоқ оилавий поликлиникасига бемор- лар учун етарлича шароитлар ҳозирланмаган. Мазкур масалада амалий ёрдам сўраб, Олий Мажлис депутати, сектор раҳбарларига



БУНДАН-ДА ОҒИР ҲУДУДЛАР БОР

Аҳолининг электр таъминотини яхшилаш, йўллари таъмирлаш қишлоқ одамларини ўйлантираётган, норозилиklarига сабаб бўлаётган муаммолардан бири. Чунки бу масалалар кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолган йўқ. Қўли узатса етай деб турган электр узатмаларнинг қўлбола ўрнинишдан ҳайратланади. Ҳар ким ўз билганича, бир амал- лаб тартиб олган тармоқлар хавфли кўриниши олган. Айтишларича, кейинги йиғирма йилда маҳалладаги оилалар сони деярли икки ҳиссага кўпайган бўлса-да, ҳануз эски электр узатиш қурилмаларидан фойдаланилмоқда. Ортиқча кучланиш билан ишлаётган подстанцияларда тез- тез носозликлар содир бўлмоқда. — Бу ҳудуд, 2020 йил давлат дас- турига тушган, — дейди Ўзбекистон тумани электр тармоқлари корхона- си ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Шаҳобз Ғулмов. — Дастур доирасида 1 та янги кучланишли подстанция

ТОМОРҚА УЧУН СУВ ЙЎҚ

— Томорқа экинларини сўғориш жуда қийин, — дейди томорқачи Элдор Аб- думаликов. — Бу масалада ёрдам сўраб бормаган жойимиз қолмади. Лекин ҳеч қандай ўзгариш бўлгани йўқ. Ҳамма томорқадан самарали фойдаланиш ҳусуси- да ваъз ўқийди. Аммо муаммолар ечим билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Томорқамда 2,5 сотих иссиқхона ташкил қилганман, лекин экинларни сўғориш учун оқин сув йўқ. Авваллари бизда пиёз, сабзи экинларидан мўл ҳосил олинган. Бугун эса шу бир парча еримни сўғориш ҳам муаммага айланган. Бу ишларнинг бевосита ташаббускори, кўмакчиси бўлган "Томорқа хизмати" масъуллари қаерда, нима ишлар билан банд? Маҳалла аҳли бундай хизмат кўрсатиш тармоқлари борлигидан мутлақо беҳабар.

"ҲАММА ТАЛАБ ҚИЛИШНИ БИЛАДИ..."

— Ҳудудимиздаги 22 та ички йўллари таъмирлаш, тоза ичимлик суви, электр таъминотини яхшилаш борасидаги муаммолар ечимни юзасидан 3-сектор мутасад- диларига бир неча бор мурожаат қилганмиз, — дейди фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Юсупов. — Аммо ҳеч қандай амалий чоралар қўрилгани йўқ. Масала- лар ечими "Маҳалла – сектор — Халқ қабулхонаси – маҳалла" тамойили асосида амалга оширилиши белгиланган. Амалда эса бундай бўлаётгани йўқ. Яқинда Гулзор кўчасига аҳоли кучи билан 200 метр тоза ичимлик суви тармоғи тортилди. Сув минорасидаги насос ишламай қолса ҳам аҳолидан пул йиғиб таъмирлатиб келамиз. Йиғин биноси таъмирга муҳтож, ишчи-хизматчилар учун жиҳозлар, ком- пьютер етишмайди. Битта компьютердан уч киши навбати билан фойдаланамиз. Ҳамма биздан иш, ҳисобот талаб қилади. Лекин ҳеч ким, сени қандай масала кийнапти, қандай ёрдам керак, демайди.

Расулжон КАМОЛОВ.

Долзарб мавзуда суҳбат

ТЕХНИКУМ ёки КОЛЛЕЖга ўқишга кирмоқчимисиз, унда...

Ҳар бир ёш ҳаётда ўз ўрнини топиши учун яратилган шароитлар ҳақида

Профессионал таълимнинг янги, узлуксиз тармоғи ма-лакали ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашда муҳим ўрин тутди. Шунинг баробарида, жамият учун энг муҳим ҳисобланган инсон ресурсларини ривожлантириш учун хизмат қилади. Ҳаётда шаклини дунёдаги энг тараққий этган давлатларнинг муваффақият қозongan таълим дастур-лари асосида ташкил этилиши эса давр тақозосидир. Мух-биримиз соҳада олиб борилаётган ислохотлар ва улардан кўзланган асосий мақсад ҳақида бир неча саволлар билан Фаргона вилояти Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи Тўйчибой БОЙМАТОВга муурожаат этди.

ёш ҳаётда ўз ўрнини топиши учун, ав-вало, ўзи даромадга эга бўлиши лозим. Шу орқали давлат иқтисодий юксалиш-га, қолаверса, жамият ривожланишига муносиб хисса қўшади. Фармонга мувофиқ, шаклан ва мазмунан мутлақо янги, узлуксиз профессионал таълим тизими барпо этилиши ҳамда мақсад ва вазифалари-дан келиб чиқиб, 3 тоифадаги таълим муассасалари фаолият кўрсатиши белгиланган. Профессионал таълим муассасаларида халқаро стандартларга мувофиқлаштирилган таълим дастур-лари асосида иқтисодиётимизда муҳим ўрин эгаллаган ишчи касблар бўйича кадрлар тайёрланади. — Янгича тизимда фаолият олиб борадиган 3 тоифадаги таълим муассасаларининг фарқи нимада? — Касб-ҳунар мактабларида таълим-

нинг халқаро стандарт таснифлагичи-нинг 3-даражасига мос келувчи икки йиллик таълим дастурлари асосида 9-синф битирувчилари бошлангич про-фессионал таълим олади. Камбағалликка қарши кураш доира-сида, энг аввало, кам таъминланган ои-лалар фарзандларида тадбиркорликка, бизнесга, пировард натижада даромад олишга йўналтирувчи билим, малака ва кўникмалар шакллантирилади. Коллежларда эса таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичининг 4-даража-сига мос келувчи, касбларнинг мурак-каблик даражасидан келиб чиқиб, икки йилгача бўлган мuddатлар ўқитишга мўлжалланган таълим дастурлари асоси-да аниқ иш ўринларига йўналтирилган ўрта бўғин мутахассислари тайёрланади. Коллежларга мактабларнинг 11-синф битирувчилари қабул қилинади. Техникумларда таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичининг 5-даража-сига мос келувчи, бакалаврият таълим йўналишлари билан интеграциялаш-ган, кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида камда икки йил мuddатта мўлжалланган таълим дастурлари асоси-да 11-синфини тугатган ёшлар ўқитилади. — Янги ўқув йилида вилоятда фаолият олиб борадиган техникум ва коллежларга қабул жараёни қандай кечади? — Бугунги кунда кўпчилик ёшларни

шу савол қизиқтиради. Режага мувофиқ, вилоятдаги 11 та олий таълим муасса-салари ҳузуридаги 17 та техникумларга 45 та ва 27 идоравий коллежларга 73 та касблар бўйича абитуриентлар қабул қилиниши белгиланган. Қабул жорий йилнинг 25 августидан бошланди ва 25 сентябргача давом этади. Коллежларда кадрлар тайёрлаш (ҳужжат қабул қилиш) халқаро тасниф-лагичнинг камида 3-даражасига мос таълим дастурларини тамомлаган, «Ҳаёт давомида таълим олиш» принципи асо-сида камда умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ҳисобидан касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда 2 йилгача мuddатда кундузги, кечки ва сиртки таълим шакл-ларида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Техникумларда кадрлар тайёрлаш (ҳужжат қабул қилиш) халқаро тасниф-лагичнинг камида 3 ёки 4-даражасига мос таълим дастурларини тамомлаган, «Ҳаёт давомида таълим олиш» принципи асосида камда умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ҳисобидан шакл-лантирилган гуруҳларда касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда 3 йилгача мuddатда кундузги, кечки ва сиртки таълим шакл-ларида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширилади. — Ҳужжатларни топшириш учун

бевосита таълим муассасасига бо-риш шартми? — Йўқ, албатта. Ҳужжатларни қабул қилиш онлайн шаклда вазириликнинг www.texnikum.edu.uz ва www.kollej.edu.uz электрон платформаси орқали қабул қилинади. Бунинг учун: — **электрон ариза;** — **3×4 ҳажмдаги фотосурат;** — **умумтаълим мактабининг 11-синфини тамомлаганлик ҳақида аттестат ёки академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини битир-ганлик тўғрисидаги диплом (элек-трон) нусхаси** топширилади. Шуниси муҳимки, коллеж ва техникум-ларни муваффақиятли тамомлаганларга давлат намунасидаги, мутахассислиги бўйича ишлаш ёки келгусида олий таълим муассасасларига кириб ўқиш имконини берувчи диплом берилди. **Техникумларда ўрта мах-сус таълим дастурларини муваффақиятли тамомлаган битирувчилар ўз соҳасига мос бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз якка тартиб-даги суҳбат орқали олий таъ-лим муассасаларида 2-курс-дан ўқишини давом эттириш ҳуқуқига эга бўлади.** Рустам ОРИПОВ суҳбатлашди.

ФАРГОНА ВИЛОЯТИДАГИ ВАЗИРЛИК ВА ИДОРALAR ТИЗИМИДАГИ КОЛЛЕЖЛАРГА 2020/2021 Ўқув йили учун қабул режаси

Т/р	Коллеж ва тайёрлов йўналишлари номи	Қабул режа		
		Жами	Давлат гранти	Тўлов-контракт
	ЖАМИ	4935	880	4055
1	Фаргона кимё sanoati коллежи	210	35	175
	Электр станциялари ва тармоқларга техник хизмат кўрсатиш бўйича электромонтёр	60	10	50
	Пайвандловчи (электргазпайвандлаш ишлари)	30	5	25
	Кимёвий ишлаб чиқариш ва технологияси техник-технологи	30	5	25
	Автоматика ва назорат-ўлчаш асбоблари соловчиси	30	5	25
	Токаръ	30	5	25
	Чилангар	30	5	25
2	Фаргона 2-тиббий коллежи	600	37	563
	Фельдшерлик иши	270	10	260
	Стоматология иши	60	5	55
	Ҳамширалик иши	210	12	198
	Тиббий ижтимоий ишлар	60	10	50
3	Фаргона нефть ва газ sanoati коллежи	175	50	125
	Нефть ва газни қайта ишлаш оператори	20	5	15
	Технологик насослар ва компрессорлар машинисти	30	10	20
	Нефтьга махсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш қурилмалари оператори	30	10	20
	Газ махсулотларини тақсимлаш бўйича ишчи	30	10	20
	Линия назоратчиси	20	5	15
	Электр ускуналарини таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича электромонтёр (тармоқлар бўйича)	25	5	20
	Автоматика ва назорат-ўлчаш асбоблари соловчиси	20	5	15
4	Фаргона солиқ коллежи	210	30	180
	Солиқ ва солиққа тортиш	210	30	180
5	Қўқон транспорт коллежи	540	68	472
	Ташишни ташкил этиш ва транспортни бошқариш техниги (турлари бўйича)	180	18	162
	Автомобиль йўллари ва аэродромлар қурилиши устаси	90	5	85
	Йўл қурилиш ва кўтарма транспорт машина ва жиҳозларини ишлатиш (соҳалар бўйича)	30	5	25
	Автомобилларни йиғиш ва синаш	120	20	100
	Ёқилғи мойлаш материаллари бўйича хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш (транспорт хизматлари)	30	5	25
	Махсус санитар тозалаш машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва таъмирлаш устаси	30	5	25
	Кўприк қуриш, улардан фойдаланиш ва таъмирлаш устаси	30	5	25
	Бўхгалтер	30	5	25
6	Қўқон темир йўл транспорти коллежи	330	80	250
	Бўхгалтер	25	5	20
	Ҳаракат таркибига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш чилангари	25	5	20
	Ҳаракатланувчи таркиб (электровозлар, электропоездлар) электр жиҳозларини таъмирлаш электр чилангари	25	5	20
	Темир йўл транспортида электр таъминоти	25	5	20
	Сигналлаштириш, марказлаштириш, блоклаш қурилмалари электромонтёри	25	5	20
	Марказлаштириш пости оператори	25	5	20
	Поездлар тузувчиси	25	5	20
	Темир йўл транспортида юк ва тижорат ишлари	25	5	20
	Темир йўлларда техник фойдаланиш ва таъмирлаш	25	10	15
	Темир йўл транспортида ҳарбийлаштирилган ҳимояни ташкил этиш	5	5	5
	Тезкор-технологик алоқага техник хизмат кўрсатиш	25	5	20
	Радиореле алоқа линиялари станция жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш	25	10	15
	Темир йўл транспорти кузатувчиси	25	5	20
	Пайвандловчи (электргазпайвандлаш ишлари)	25	5	20
7	Қўқон тиббий коллежи	960	49	911
	Фельдшерлик иши	300	10	290
	Стоматология иши	90	5	85
	Ҳамширалик иши	300	14	286
	Фельдшер-лаборантлик иши	90	5	85
	Фармация	90	5	85
	Тиббий ижтимоий ишлар	90	10	80
8	Марғилон қурилиш коллежи	300	91	209
	Умумқурилиш ишлари устаси	30	20	10
	Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси	30	10	20
	Қурилиш электр тармоқлари монтажчиси	30	10	20
	Кўчмас мулкни рўйхатга олиш, турар жой ва жамоат биноларидан фойдаланиш	60	16	44
	Сув таъминоти ҳамда канализация тизимларидан фойдаланиш ва монтаж қилиш устаси	30	10	20
	Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш	30	10	20
	Автомобилларни таъмирлаш чилангари	30	5	25
	Кран машинисти (кранчи)	60	10	50
9	Марғилон туризм ва сервис коллежи	200	200	0
	Туризм	75	75	75
	Мехмонхона хўжалигини ташкил қилиш ва бошқариш	75	75	75
	Умумий овқатланиш корхоналари мутахассиси	25	25	25
	Умумий овқатланиш хизматларини ташкил этиш	25	25	25
10	Қувасой sanoat коллежи	360	105	255
	Маркетолог	30	5	25
	Пайвандлаш ишлаб чиқариши	60	30	30
	Электр станциялари ва тармоқларга техник хизмат кўрсатиш бўйича электромонтёр	60	10	50
	Пардозли ишлаб чиқариш ва махсулотга ишлов бериш кимёвий технологияси	30	10	20
	Автомобилларни йиғиш ва синаш	60	10	50
	Компьютер тизимлари ва мажмуалари	30	5	25
	Иссиқлик таъминоти ва иссиқлик техникаси ускуналари ишчиси	30	5	25
	Тикув махсулотларини конструкторлаштириш, моделлаштириш технологияси	30	15	15
	Саноат жиҳозларидан техник фойдаланиш ва монтаж қилиш (тармоқлар бўйича)	30	15	15
11	Бувайда тиббий коллежи	330	20	310
	Фельдшерлик иши	120	5	115
	Ҳамширалик иши	120	5	115
	Фельдшер-лаборантлик иши	30	30	30
	Фармация	30	30	30
	Тиббий ижтимоий ишлар	30	10	20
12	Қува сув хўжалиги ва мелиорация коллежи	300	90	210
	Сув хўжалиги ва мелиорацияси	60	15	45
	Автомобилларни таъмирлаш чилангари	30	10	20
	Гидротехника иншоотлари қурилиши бўйича техник гидротехник	30	10	20
	Мелиорация техникаси оператори	30	10	20
	Сув хўжалигини автоматлаштирилган бошқариш тизими оператори	60	15	45
	Насос станциялари ва насос қурилмалари машинисти	30	10	20
	Сув тежовчи технологияларига хизмат кўрсатиш техниги	30	10	20
	Тикувчилик	30	10	20
13	Фаргона тумани тиббий коллежи	420	25	395
	Фельдшерлик иши	150	10	140
	Ҳамширалик иши	180	10	170
	Фельдшер-лаборантлик иши	60	5	55
	Фармация	30	30	30

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 август кунги ПҚ-4798-сонли "2020-2021 йилларда Фаргона вилоятининг Сўх туманини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ аҳолини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида

"ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2020 ЙИЛДА НАМУНАВИЙ ЛОЙИХАЛАР БЎЙИЧА АРЗОН УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИ УЧУН ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ № 2020-09

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2020 йил 7 сентябрь.
Тендер таклифларини тақдим этиш учун охириги мuddат: эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг. Вилоят марказида янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.
1-тип: тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар;
2-тип: беш қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар.
Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига муурожаат қилиш мумкин. Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Уй типлари	Бир дона уй (хонадон) учун талаб этилади:				
	Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм)	Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм)	Сўнгги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м3	Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м3	Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м2
Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар	2 400 000 000	1 920 000 000	360	600	1440
Беш қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар	3 000 000 000	2 400 000 000	450	750	1800

Лот №	Ҳудуд	Қишлоқ аҳоли пункти номи	Хонадон сони	Беш қаватли 2-3 хонали уйлар			Таклифларни топшириш охириги мuddати
				сон	хонадон	уй рақами	
1	Фаргона	«Девайрон» МФЙ	30	3	30		2020 йил 7 октябрь, соат 11:00
2	Сўх тумани	«Девайрон» МФЙ	30	1	30	1	2020 йил 7 октябрь, соат 11:00
3	Сўх тумани	«Навобод» МФЙ	30	1	30	1	2020 йил 7 октябрь, соат 11:00
4	Сўх тумани	«Навобод» МФЙ	30	1	30	1	2020 йил 7 октябрь, соат 11:00
5	Сўх тумани	«Навобод» МФЙ	30	1	30	1	2020 йил 7 октябрь, соат 11:00
6	Сўх тумани	«Навобод» МФЙ	30	1	30	1	2020 йил 7 октябрь, соат 11:00
7	Сўх тумани	«Чашма» МФЙ	24	1	24	1	2020 йил 7 октябрь, соат 11:00

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 майдаги ПҚ-3713-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида хизматчиларни замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида

"ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2020 ЙИЛДА НАМУНАВИЙ ЛОЙИХАЛАР БЎЙИЧА АРЗОН УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИ УЧУН ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ № 2020-08

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2020 йил 20 август.
Тендер таклифларини тақдим этиш учун охириги мuddат: эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг. Вилоят марказида янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.
2-тип: беш қаватли кўп квартирали (2, 3,3*,4 хонали) уйлар.
Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига муурожаат қилиш мумкин. Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, шу жумладан, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талаблар-га жавоб беришлари лозим:

Уй типлари	Бир дона уй (хонадон) учун талаб этилади:				
	Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм)	Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм)	Сўнгги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м3	Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м3	Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м2
Беш қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар	3 000 000 000	2 400 000 000	450	750	1800

Лот №	Ҳудуд	Аҳоли пункти номи	Хонадон сони	Беш қаватли 2-3 хонали уйлар			Таклифларни топшириш охириги мuddати
				сон	хонадон	уй рақами	
1	Фаргона ш.	Абдулла Қодирий мавзеси	30	3	30	1	2020 йил 21 сентябрь, соат 11:00

Бўз педагогика коллежини 2010 йилда тамомлаган Асқарова Дилноза Мухтор кизи номига берилган 1548933 рақамли диплом йўқолганиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**
Қўштепа тумани 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати 2008-2009 ўқув йилида тамомлаган Ҳўжаев Юсуфхон Жамолхон ўғли номига берилган О'Р-ШН 0940585 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқол

Олимлар олами

“ҚАЛБДА МУШТДЕК ЧЎҒИМ БОР..”



Филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда “MA'RIFAT” тарғиботчилар жамияти аъзоси – олим ва шоир Сиддиқ МЎМИН билан суҳбат

республикамизда нотиклик ва нутқ маданиятининг етакчи билмидони сифатида танилдингиз. Олий даргоҳдаги талабаларга сабоқларингизда, турли адабий-илмий учрашувлар, анжуманлардаги чиқишларингизда ҳам Сўз ва унинг қудратига алоҳида урғу берасиз. Бугунга қадар эришган муваффақиятларингиз замирида сизнинг Сўзга бўлган эҳтиромингиз қай даражада ўрин тутди?

– Тилини, демакки сўзини севмаган, улуғламаган одам элини ҳам, ўзини ҳам севмайди, деб айтиш мумкин. Кимки тилини севса, улуғласа, уни эли ҳам севди ва улуғлайди. Мен бунга ўз ҳаётимда яққол ишонч ҳосил қилиб турибман. Дунёнидан аввали ҳам, охири ҳам СЎЗ бўлганидан кейин уни қандай қилиб севмаслик, ардоқлашмаслик мумкин?! Мен буни ҳатто тасаввур ҳам қилолмайман. Менинг нафақат Сўзга бўлган юксак ихлосим, балки она тилимизга эҳтиромимни ўтган йиллар давомида нашр этилган шеърый тўпламларимга жамлаганман. Мухими, тилимизга бўлган чексиз муҳаббат мени тўхтовсиз изланиш баробарида унинг содфили учун қурашишга ундаб туради.

Иккониятдан фойдаланиб, ҳамма газетхонларни яна бир бор ТИЛНИ, СЎЗНИ севиб ва ардоқлашга чақираман! – Юртимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини кўтариш, унинг халқимиз ижтимоий ҳаётидаги қадри ва халқаро миқдосдаги обрў-эътиборини оширишга қаратилган юксак эътибор, айниқса, сиз каби тилшунос ва адабиётшунос олимларни, тилимиз фидойиларини беҳад қувонтирди, тўғрими? Ана шу эътибор Фаргона давлат университетига қандай акс садо берапти?

– Фаргона давлат университетидида бу орада жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг энг муҳимлари сифатида университетимиз ҳузурида филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даража берувчи Илмий кенгаш фаолият юритаётганини, ўтган ўқув йилидан “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси ташкил этилгани ва бу кафедра ўқитувчилари мазкур ўқув йилидан бошлаб барча факультетларда “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Нутқ маданияти ва мутула санъати”, “Давлат тилида иш юритиш”, “Навобийлик” фанларидан дарс беришлари режалаштирилётганини қувонч билан айтиш мумкин.

– Бугунги даврда ижодкорга, илм аҳлига рағбат ва эътибор қанчалик керак?

– Рағбат ва эътибор нафақат инсонга, балки барча физиологик ва биологик тирик жонга жуда ҳам – сув ва ҳаводек зарур. Керакли меҳр, эътибор берилмаса, моддий озқаси қанчалар етарли бўлишига қарамай, тувалдаги гул ҳам сўлиб қолишига фанда исботланган. Вилоятимиз ҳокимининг яқиндагина тилшунос ва адабиётшунос олимлар билан “Миллат тафаккурининг бебаҳо хазинаси” деб номланган амалий анжуманда бевоасита иштирок этиб, бир гуруҳ олимларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантириш тилимиз фидойиларининг кўчига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб юборди. Уйланимизки, бу ишларимизнинг охири хайрли ва бардавом бўлади.

– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур, усто! Тилимиз ва элимизга чексиз муҳаббат тўғрисида қалбингизда порлаб, гуриллаб турган чўғ тафти ҳеч қачон пасаймасин!

“Фаргона ҳақиқати” махсус муҳбири Д. ҚЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.

Ўтганларни ёдлаб...

Шарқнинг жавоҳир аёли

1935 йил, Буюк Британия. Нигоҳлар Лондон шаҳридаги нуфузли Роял Альберт Холл саҳнасига қадалган. Дунё мамлакатларидан 500 нафарга яқин раққос ва раққослар иштирок этган Халқаро фольклор рақслар фестивалининг синчков томошабинлари ичиди Қирол Жорж V ва Қиролича Мери ҳам бор.



Хитой, Мўғулистон, Польша, Австрия, Эрон, Ҳиндистон сингари 80 дан ортиқ мамлакатларда ижодий сафарларда бўлиб, санъатнинг тили ва миллат танламас сарҳадларини забт этди. Дунёнинг 86 тилида ижро этган қўшиқ ва рақслари халқлар дўстлиги, эрк ва тинчлик тараннуми бўла олди. Туркманча “Бибижон”, озарбайжонча “Эшикни қоқма”, афғонча “Ширин забон”, уйғурча “Қошин қароси”, тожикча “Жўра жоним”, қозоқча “Қора тўрғай”, ҳиндча “Нилуфар”, корейсча “Чўпон рақси”, арабча “Хумор кўзлар”... Мана, “Шарқ жавоҳири”нинг оҳанрабо рақсларига уйғун, жозибдор қўшиқлари. Ижодаги маслаҳатгўйи, устози, дўсти Уста Олим Қомиллов билан ҳамкорликда яратилган дилбар рақслар бу икки санъаткор номини Фарб ва Шарқ аро ёйди. Ўзбек миллий санъатининг яна бир ютуғи шу бўлдики, Тамираҳоним бошлаб берган санъат йўли унинг синглилари Гавҳархоним ва Лизахонимлар учун ҳам тақдир йўлига айланди.

қори ҳарорат билан томошабинлар қаршисига чиққан Уста Олим Қомиллов бутун қуч-қувватини доирасига берди, Тамираҳоним эса «Катта ўйин», «Гул ўйин», «Пилла» ва «Қари наво» рақсларини маромига етказиб ижро қилди. “Осиёликларнинг қизиқ ва мўъжизакор чиқиши тугагач, Альберт Холлни қарсақлар наъраси қоплади», деб ёзади ўша давр Британия матбуоти. Ушбу чиқиш дунё кўз ўнгига ўзбек аёли ва профессионал ижодкорнинг янги сиймосини яратди. Ўз ватанига чексиз ҳурмат ва ифтихори бўлган, айнаи дамда ўта жозибадор, ёқимли, гўзал ва лабларидан ҳаммиша сирли табассум ўйнаб турган Тамираҳоним ажнобиёлар тилида “Бриллиант аёл” номи билан шўҳрат қозонди. Фестивалнинг олтин медали инглизлар таъбири билан айтганда “Шарқ жавоҳири” — Тамираҳоним кўксига қадалди. Уша шўҳратли онларда Ўзбек миллий рақс санъати доврғини оламга ёйган Фаргона фарзанди, Марғилон деб аталмиш санъат сарзаминида туғилиб, тарбия топган арман қизининг кўз олдида илк мартаба саҳнага чиққан дамларидаги қаршиликлар, ноҳақ тошбўронлардан омон қолгани, унинг раққосалиги ҳақидаги хабаридан ота-онасининг “Боши эгилгани”, шундай бўлса-да, ҳам саҳнада, ҳам ҳаётда қаҳрамон бўлиб яшаган йиллари кино тасмасидек ўта бошлади...

1906 йилда Марғилон шаҳрининг – Горчаково қишлоғидаги асли Боқудан Туркистонга сургун қилинган Артём ва Анна Петросьянлар оиласида дунёга келган Тамира Петросьян ўз ҳаёти, озуқлари, иқтидорини тақдир ҳукмигагина ташлаб қўймади. Санъати билан халқ қалбига интилди. Ўзбек халқ рақси сирларини етуқ санъат устаси Юсуфжон қизиқ Шакаржоновдан ўрганди. Тамираҳоним истеъдодининг кўз очиси эски қарашлар билан янгича қарашлар авжига чиққан, хотин-қизларни озоликка чиқариш масаласи катта ҳаётий муаммога айланган даврга тўғри келди. У 13 ёшидан ҳамза ташкил этган театр труппасида, кейинчалик Тошкент рус опера ва балет театрида ижод қилди. Луначарский номидаги Москва театр техникумида таҳсил олган йиллари Тамираҳоним жаҳон театр ва рақс санъати билан яқиндан танишди. Айнан ўша ерда ўн санъатчи билан Тамира “Шарқ қалдиғроғи” номини олди.

Тамираҳоним ижросидаги “Лопахон”, “Қорасоч”, “Билак-узук”, “Ойжон”, “Фабриканинг йўлида”, “Қизлар, шитобингиз нима?”, “Тулёр”, “Дилхирож”, “Усмония”, “Мавриги”, “Лазги”, “Бухороча рақс” сингари рақслари уни элга танитди, унга қадр ва шўҳрат келтирди. Европа ва Осиёнинг Франция, Буюк Британия, Норвегия, Германия, Чехославакция,

Тамираҳоним ижроларини кўришга ошиққан минглаб томошабинлар концертлардан сўнг унинг атрофини ўраб олишар, дилбар раққосага эҳтиром гулларини тутқазшарди. Улар орасида Тамираҳоним санъатига чексиз муҳаббат, инсоний меҳр изхори билан келган Муҳиддин қори Ёқубов ҳам бор эди. Тамираҳонимнинг Муҳиддин қори Ёқубов билан ҳам ҳаётда, ҳам ижодда муштарак ўтган йиллари ўзбек театр санъатини юксалишга олиб чиқди. Санъат ва маданият бешиги – Фаргона фарзанди бутун ҳаёти ва ижоди давомида санъатсеварлик, қуй ва рақсга жонфидолик ҳисси, ўз санъати билан башариятнинг бизлиги, тинч-тотувлиги учун ҳисса қўиш истаги билан ёниб ижод қилди.

Катта Фаргона канали халқ ҳашари билан бунёд этилаётган машаққатли кунларда Тамираҳонимнинг жўшунқ қўшиқ ва рақслари элнинг баҳодирлари, жасоратли аёлларига қанчалар катта куч, руҳий қувват бахш этганини тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Ана шулар сабаб ҳам унинг сермазун умри муқофотларга тўлди, Давлат муқофоти лауреати, Ўзбекистон халқ артисти дея эътироф этилди. Истиқлол йилларида “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

Тамираҳоним 85 йил умр кўрди. Унинг “Умрим лавҳалари” хотира китоби бир арман қизи, Ўзбекистон аёлининг ҳаёт ва ижод фалсафасигагина эмас, жасоратли инсон юрагининг акс садоси эди. 2016 йилда Ўзбекистон таваллудининг 110 йиллигига бағишлаб чоп этилган “Саҳнада ҳам, ҳаётда ҳам қаҳрамон” номли китоб-альбомда Тамираҳонимнинг чин маънодаги қаҳрамонона умри ҳақида тарихий чиқишлар бор. Унинг уй-музейида умрининг сўнгги йилларида яшаган хоналар интэрьерлари, саҳна либослари, бетакор суратлари, қўшиқ ва шеърлари, мемуарлари... Буларнинг бариди Шарқ аёлининг нигоҳлари яшамоқда.

Дилнавоз ҲОТАМ қизи.

Улуғ устозлар ҳам шоирлик, ҳам олимлик илмини ўрганаётган, ҳатто бу ишни уйда қилганларни “икки қутлуғ ирмоқнинг бир ўзанга қўйилиши”га ўхшатишади. Бунга ўз тақдирингиз мисолида мулоҳаза билдирсангиз. – Бу саволингиз устоз академик шоиримиз Фафур Фуломни эслатапти: “Тақдирни қўл билан яратур одам, Фойибдан келажак бахт бир афсона!..” Қалбга тушган ишқ, орзу чўғи қанча залворли бўлса, интилиш, ҳаракат ҳам шунга яраша бўлади. Баъзан “пуф!” деса ўчиб қоладиган учқунчаларни ҳам кўрганмиз. Аммо менинг қалбимга солинган чўғ пуфланган сари аланга олаверди. Ҳозир ҳам қалбимнинг туб-тубиди муштдек бир чўғ турганга ўхшайди. Бу чўғни пуфлаб, сув селиб учирашига уринганлар ҳам кўп бўлган, албатта. Бироқ бу қурмағур чўғ ҳамон тафтини пайсатиргани келмайди. Мана шу чўғ мени эрта уйғотади, ҳаракатга, яшашга, қурашга ундайди. – Талабалик йилларингизда сизнинг “Ўғлимга”, “Ерда ёлғиз отанг бор”, “Синглимиз йўқ акалар”, “Остонанда кутаётган бахт” каби оилавий қадриятлар улуғланган, самимий шеърларингизни ёд айтиб юрардик. Бугун халқининг маънавий савиясини юксалтиришга қаратилган шеърларингиз ўнлаб китобларда жам

бўлди. Шулар ҳақида сўзлаб берсангиз. – “Бир ғариб кўнглини эта олсанг шод, Яхшидир ер юзин этгандан обод” (Алишер Навоий) деганларидек, бир илоҳий сатрингиз, бир жажжи тўртлигингиз орқали кимнингдир қалбиди мудраб турган туйғунни уйғотиб юборишдан ҳам савоблироқ, завқлироқ иш борми дунёда?! Мен шеър ўқиётган пайтимда ўқисқ кўзида умид уйғонаётган, меҳр балқитган, қувонч ёшлари тўкилаётган одамларни кўрганман. Демак, шеър — илоҳийдир, энг покиза, энг гўзал туйғудир! – Бугунги китобхон авлод албатта ўқиши лозим бўлган энг сара китобларини санаб берсангиз. Шу уринда сиз ёшлик йилларингизда севиб ўқиб, бугун ҳам такрор мутулаасида зерикмайдиган китобларингиз қайсылар? – Мен ёшлик йилларимдан жумтоз сўз санъаткорларидан Мавлоно Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, замондошларимиздан Эркин Воҳидов, Абдулло Орипов, Муҳаммад Юсуф, Тоғай Мурод, Усмон Азим, Эркин Аъзамов, Улуғбек Ҳамдам, Исакжон Султон асарларини севиб мутулаа қиламан. Айниқса, Жалолиддин Румийнинг “Ичиндаги ичиндадур” асарини мен деярли ҳар кун қўлимга оламан. – Нафақат Фарғонада, балки

Жамият оғриғи Жўмрақдан Оқаётган Олтин Сув

Халқимизда “сув текин” деган машҳур ибора бор. Бу ибора сувга сероб юрда яшаётганимизга ишора бўлса, ажаб эмас. Зеро, тежамкор халқимиз сув текин деганда бу неъматни хоҳлаганча исроф қилишни назарда тутмайди.

Тоша ичимлик сувини бир неча қақиримдан ташиб олиб келиб, тоза идишларда покиза сақлаб истеъмол қиладиган ота-боболаримиз унинг уюлидан кўрққанлар. Нимани хор қилсанг, ўшанга зор бўласан, деган башоратга ишонганлар. Дарҳақиқат, бугунги кунда дунё миқёсида тоза ичимлик суви захираси камайиб борапти. Маълумотларга кўра, дунёнинг 30 фоиз аҳолиси хавфсиз ичимлик сувидан фойдаланиш имконига эга эмас. Ҳар йили 1,2 миллион одам сув танқислигидан ҳасталикка чалинарган. 2030 йилга бориб дунё аҳолиси тоза ичимлик суви танқис бўлган ҳудудларда яшашга мажбур бўлади. Таассуфки, бугун сув танқислиги билан боғлиқ ҳалокатлар ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Зўр бериб сувни исроф қилишда давом этаймиз. Битта машина ювишга камиди 500 литр сув сарфланади. Боз устига сувни шлангга оқизиб қўйиб, машинани артишда давом этаверамиз. Ошхонада жўмрақдан суви оқизиб қўйиб, қозон-товонни қиртишлаймиз. Эрталаб ва кечқурун жўмрақни очиб қўйиб, тиш чўткаси билан тишларини бир неча дақиқа

юва бошлаймиз. Унганча сув шариллаб оқиб тураверади. Гилам ювиш, томорқа экинлари-ю, гулзорларни сугориш, тарвуз ва шарбат, ичимликларни салқинлантириш учун жўмрақка шлангини улаб сувини истаган жойимизга келтириб соатлаб оқизиб қўярсангиз, қачондир унинг уюли тутишини хаёлга ҳам келтирмаймиз. Ҳаляти табиатимиз бор-да. Уйимизда чироқ еник қолган бўлса дарров ўчирамиз, чунки сувни захираси камайиб борапти. Лекин бир кунда тонна-тонна суви ер қаърига йўллаймиз-у, пинак бузмаймиз. Савдо дўконларидан, супермаркетлардан “Nestle” сувини бир ярим, икки минг сўмга сотиб олиб чанқоғимизни қондиришимиз-у, бундан минг баравар арзон ичимлик суви тўловини тўлашга оғринамиз. Энди вилоят миқёсидаги рақамларга мурожаат қилсанг. “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ мутахассиси Раҳматилло Ҳомидов тақдим этган маълумотларга қарайдиган бўлсанг, 2020 йилнинг июль ойига қадар вилоят бўйича аҳолига ва улғуржи ҳолатда 30 млрд. 641 млн. 800 минг сўмлик ичимлик суви етказилиб, оқова сув хизмати кўрсатилди. Ва мазкур даврда жами йўқотилган сув миқдори 40217, 8 минг метр кубни ташкил этади.

Вилоятдаги ичимлик сув тармоқларининг узунлиги 7112 километр, сув иншоотлари 2719 та, сув ҳавзалари 77 та, сув миноралари 971 та бўлиб, шаҳар-туманларда 200 дан зиёд таъмирталаб сув иншоотлари бор. Шу ўринда яна бир ҳолатга ойдинлик киритсанг. Утган йили “Фаргона-Авалл” йўлида сув қувури ёрилиб, ўша худуд аҳолиси бир неча кун ичимлик сувсиз қолди. Тўғри, “Фаргона сув таъминоти” шаҳар бўлими ишчилари қувурни таъмирлаш учун ҳаракат қилишди. Лекин халқимизда эскини ямагунча эсинг кетади, деган нақл бор. Қувурни бир ерини пайвандаласанг, иккинчи чиреган еридан сув сизиб чиқаверди. Ниҳоят ўша ердаги қувур ангиланди. Бугунги кунда Фаргона шаҳар аҳолисининг 97 фоизи марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминланган, уч фоиз аҳоли муқобили ичимлик сувидан фойдаланади. Шаҳарда жами 123 та ичимлик ер ости қудуқлари бўлиб, шаҳар аҳолисига 7 та сув кўтариш насос станциялари орқали сув етказиб берилади. Айни пайтда шаҳарда 768 километр сув тармоқларидан 110 километр таъмирталаб ҳолга келиб қолган. Фаргона шаҳрида 2020 йилларда ичимлик сув ва оқова сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳага асосан мазкур сув тармоғини қайтадан таъмирлаш режалаштирилган. Шунингдек, шаҳарда 112 километрга янги

ичимлик суви тармоғи қуриш, 1 та ер ости қудуғи қазिश, 70 та МФЙ худудларида жами диаметри 150-500 мм бўлган 86,1 километр оқова сув тармоқлари тортиш ва 50 километр оқова сув тармоғини реконструкция қилиш ишлари олиб борилади. – Утган йили “Пакана-Логон” бош сув иншоотида 68 ичимлик сув қудуғи тозаланиб, улларга тежамкор электр сув насослари қўйилди, — дейди “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ Фаргона шаҳар бўлими бошғиси Маҳмуджон Тожибоев. — Ҳар бир насос учун технология коммуникация, яъни сув ҳисоблагич, замонавий электр бошқарув шитлари ўрнатилди. Электррозил биноси суви зарарсизлантирувчи жиҳозлар билан таъминланди. Абдулла Қодирий, Қирғули мавзелири сув тақсимлаш иншоотларида технология жараёнлар учун зарур бўлган барча жиҳоз ва ускуналар ўрнатилиб, ичимлик суви сифати тўлиқ назоратга олинди. Афсуски, аҳоли орасида сув истеъмоли маданияти, оқова сув хизматидан фойдаланиш қондаларига риоя қилмайдиган кимсалар топилади. Оқова сувга, яъни канализацияга турли маиший, ҳатто мева-сабзавот чиқиндиларини ташлаб, қувурларни тўлдириб қўяётган истеъмолчилар бор. Канализация қувурларини тозалаш учун ишчиларини бир неча кунлаб овора бўлишди. Суви исроф қилиш борасида муаммолар ечимли ирригация тизимига бориб тақалади. Шаҳарда сугориш ти-

Маъмура АБДУРАҲИМОВА.

Table with contact information for Fargona Viloyati Hukumatligi, including address, phone numbers, and website.